



XALQ DEPUTATLARI QAMASHI TUMANI KENGASHINING QARORI

2021 yil 16 aprel

28/35-6 -son

Уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантиришга доир устувор вазифаларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш тўғрисида

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилаш, муҳтож оилаларни ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жой қурилиши соҳасига фаол жалб этиш борасида кенг камровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида, энг асосий масала берилаётган имтиёзларни қўллаш бўйича адолатли тизим яратиш, бу борада аҳолининг хабардорлигини ошириш, энг муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириш, қурилиш сифатини назорат қилиш ҳамда уй-жойлар нархини адолатли шакллантириш устидан депутатлик назоратини йўлга қўйиш, бу борада белгиланган вазифалар ижросини ташкил этишда жамоатчилик ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлари фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ҳамда 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ижтимоий ҳамкорликни янада кучайтириш, компенсация, субсидиялар ва давлат томонидан тақдим этиладиган бошқа имтиёзларни адолатли тақсимлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш мақсадида депутатлар ва жамоат фаолларидан иборат “Халқпарвар” комиссияси таркиби ташкил этилсин.

2. Халқ депутатлари Қамаш тумани Кенгаши ҳузуридаги “Халқпарвар” комиссияси (кейинги ўринларда “Халқпарвар” комиссияси деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти (Туропова) “Халқпарвар” комиссиясини жалб қилган ҳолда туман ҳокимлиги,

манфаатдор туман ташкилотларининг уй-жой шароитини яхшилашга, муҳтож оилаларни аниқлаш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, қурувчи хусусий пудрат ташкилотларини уй-жой қурилиши соҳасига кенг жалб этиш борасида амалга ошираётган ишлар юзасидан ахборотларни ҳар ойда Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида муҳокама қилиб борсин.

4. “Халқпарвар” комиссияси:

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимини ўз ичига олган электрон маълумотлар базасини ишга тушурадиган ҳамда кўп қаватли уй-жойлар барпо этадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини ва туман танлов комиссияси фаолиятининг шаффофлиги ҳамда ошкоралигини таъминласин;

аҳолига ипотека кредитлари бериш ва субсидиялар тўлаш тартиби, тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг шартлари ҳамда қурилаётган кўп қаватли уй-жойлар, улардаги квартиралар сони, майдони, қиймати ва жойлашуви тўғрисидаги маълумотларни тумандаги расмий веб-манбаларга туширилишини таъминласин;

ҳар чорак якуни бўйича бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга доир давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни Халқ депутатлари туман Кенгашига киритиб борсин.

5. Мазкур қарори ижросин назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссия раислари зиммасига юклансин.

6. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ депутатлари туман
Кенгаши раиси**



Б.Тоғаев

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2021 йил 16 апрелдаги 28/35-6 сон

ҚАМАШИ ТУМАН КЕНГАШИ
КОТЕБИЯТИ

Халқ депутатлари туман Кенгаши ҳузуридаги
“Халқпарвар” комиссияси
ТАРКИБИ

№	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Иш жойи ва лавозими
1.	Туропова Марҳабо Чориевна	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутати
2.	Нуртаев Панжи Норбоевич	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутати
3.	Норқулов Шерзод Караматович	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутати
4.	Номозов Абдималик Эргашович	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутати
5.	Бекмурзаев Шавкат Аралович	Туман ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи
6.	Тошниёзова Саида Эргашовна	Туман ҳокимининг хотин-кизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси
7.	Нармуродов Бахром Жумаевич	“Агробанк” акциядорлик тижорат банк Қашқадарё вилоят бошқармаси Қамашни филиали бошқарувчиси
8.	Саидов Зафар Исроилович	Акциядорлик тижорат халқ банкнинг Қашқадарё вилояти Қамашни филиали бошқарувчиси
9.	Мирзаев Абдулла Эшмурадович	“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Қашқадарё вилояти Қамашни филиали бошқарувчиси
10.	Қудратов Алишер Абдирахматович	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими раҳбари
11.	Имомов Нормумин	Қамашни тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими Кексалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича ўринбосари
12.	Тиллаев Темир Саъдуллаевич	“Қамашни” газетаси бош муҳаррири
13.	Расулов Нурбек Жабборович	Қамашни тумани ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари - матбуот котиби (блогер)